




**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI**
**ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-92-04
e-mail: info@antimon.gov.uz, e-xat: antimon@exat.uz, www.antimon.gov.uz



**Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги**

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини (ID-23308) кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиласди.

Кўп йиллар давомида мамлакатимизда айрим ҳўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуqlар бериш орқали сунъий монополия яратилганлиги иқтисодиётда соғлом рақобат муҳити шаклланишига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бу шароитда мазкур тизим орқали бюджет маблағлари асоссиз сарфланишига йўл қўйилмоқда.

Жумладан, қарор лойиҳасининг 4-банди учинчи хатбошисида умумтаълим мактабларига мебель ва маҳсус ўрнатиш талаб этилмайдиган жиҳозларни етказиб бериш ва ўрнатиш ишлари ҳамда жиҳозларни таъмирлаш ишлари “Ўқув таълим-таъминот” давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилиши кўрсатилган.

Вахоланки, мазкур вазифаларни давлат харидларида ғолиб бўлган ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчилар (иш бажарувчи) томонидан бажарилиши лозим. Бу - ҳам мантиқий ва молиявий томонлама мақсадага мувофиқ ҳисобланади, чунки товарларни жойларга етказиб беришда ва ўрнатишида уларни сифатига ва техник талабларга мувофиқлигига тендерда ғолиб бўлган корхона жавоб беради. Шунинг учун, умумтаълим мактабларини мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва ўқитишнинг техник воситаларини харид қилишдаги шартларда товарни

“Ўқув таълим-таъминот” ДУК базасига эмас, балки бевосита мактабларга етказиб берилишини белгилаш лозим.

Бунда, “Ўқув таълим-таъминот” ДУКнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга давлат бюджети ҳисобидан (13 млрд. сўм) ортиқча маблағлар ажратилиши ҳамда алоҳида яна ушбу ДУК томонидан товарларни жойларга етказиб бериш ва ўрнатиш учун маблағлар ажратиш талаб этилмайди ва ўз навбатида бюджет маблағлари тежалади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қарор лойиҳасининг 4-банди учинчи хатбошисини ҳамда 6-банди биринчи ва учинчи хатбошиларини чиқариб ташлаш лозим.

Председатель



Шарипов Н. Ш.